TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 16-noyabr / SHANBA / № 91 (13750)



Паркент:

ҲАЙРАТ ВА ҳавас манзили



Сардор ИСОҚУЛОВ, Паркент тумани ҳокими







Сўнгги йилларда Паркент туманида бўлаётган ўзгаришлар кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини келтираётгани бизни қувонтиради. Дарҳақиқат, туманимизда аҳолининг турмуши кундан-кунга яхшиланиб, фаровон яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қиляпмиз. Аммо катта ўзгаришлар ҳали олдинда. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан тумандаги бунёдкорликлар келгуси йилларда янги босқичда давом этади. Ён-атрофимизда рўй бераётган ўзгаришлар халқимизнинг руҳиятида кўтаринкилик уйғотаётгани ҳар биримизни янада масъулият ва ғайрат билан ишлашга ундайди.

4

“Тошкент ҳақиқати” минбари







Ҳамкорлик



ИККИ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Венгрия давлатининг Ўзбекистондаги элчиси Жозеф Росе билан учрашди.

Мулоқот давомида вилоят ҳокими ҳудудларда туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

Ўз навбатида, Элчи Жозеф Росе ҳам Ўзбекистон ва Венгрия давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда дўстона муносабатлари, сармоявий имкониятлари хусусида сўз юритди. Келгусида вилоятда саноат, фармацевтика ва таълим йўналишларида қатор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш таклифини билдирди.

Учрашувда амалий ҳамкорлик йўналишлари юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ҚОНУН ҲИМОЯСИ ВАТАН ҲИМОЯСИ КАБИДИР

Қонунлар – инсон организмидаги қон томирларига ўхшайди. Қон томирлари бутун тана аъзолари бўйлаб тирикликни таъминлаб бергани каби жамият ижтимоий ҳаётининг ҳар жабҳаси, турмушимизнинг ҳар дақиқаси қонун-қоидалар мажмуи билан уйғоқ ва ҳаётбахшдир.

Қонунсиз жамият, жамиятсиз эса, давлат бўлмайди. Зеро қонунлар ишламас экан – юрак кардиограммасидаги текис чизиқ каби одамлар турмуш тарзи ҳам охир-оқибат издан чиқа бошлайди.

Бугун айни шу мажозий ўхшатиш билан айтганда, прокуратура органлари ходимлари қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий тартиботни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишда кунни кун, тунни тун демай хизмат қилиб келишмоқда.

Айниқса, юртимизда коррупция иллатига қарши курашиш жараёни умумхалқ ҳаракатига айланаётган бугунги шароитда прокуратура ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз ташаббуслари билан барчага намуна бўлишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буларнинг бари кейинги йилларда давлатимиз томонидан қонун ҳимоячиларига қаратилаётган эътибор, яратилаётган имконият ва шароит, прокуратура органлари фаолиятини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишларнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.



Бу каби ислоҳотлар силсиласида прокуратура органларининг функциялари кенгайтирилди. Уларнинг мустақиллиги кучайтирилиб, замонавий меъёрларга мос равишда фаолият юритиш имкониятлари оширилди. Шунингдек, соҳа вакилларининг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгарди.

Илгари қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда. Муҳими, бу ўзгаришлар янги таҳрирда қабул қилинган бош қомусимиз – Конституциямизда ҳам алоҳида нормалар билан белгилаб қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Вилоят бўйлаб

ОҲАНГАРОН туманининг «Ўзбекистон» маҳалласи ҳудудидаги 36 гектар ер майдонида «Янги Ўзбекистон» массиви бунёд этилади. Массивда 30 та 7 қаватли, 51 та 9 қаватли – жами 3 минг 784 хонадонли турaржой бинолари қад ростлайди.



БЕКОБОД тумани ҳокимлигида сектор раҳбарлари ёшлар билан учрашишди. Унда ёшларнинг муаммолари тингланди. Якунда ишсиз йигит-қизларга субсидия асосида 10 дона мотокультиватор ва 8 дона тикув машинаси берилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокими Ихтиёр Қосимов хитойлик тадбиркорлар билан учрашди. Мулоқот давомида икки томон учун фойдали келишувга эришилди.



ПИСКЕНТ тумани бандликка кўмаклашиш марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда пробация рўйхатида турувчи фуқароларни ишга жалб этиш чоралари кўрилди.





КОНЧИЛАРНИНГ ЛИМОНИ ПИШДИ

2

ҲАР КИМ ЎЗ ЮРТИДА БЕКДИР...

3



Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

“БОҒЧА ЛАБОРАТОРИЯ”СИ НИМА УЧУН КЕРАК?



2

ҚОНУН ҲИМОЯСИ ВАТАН ҲИМОЯСИ КАБИДИР

Мазкур Бош юридик ҳужжатда прокуратура органлари фаолиятининг мамлакат ҳуқуқ тизимидаги роли янада мустаҳкамланди. Унга кўра, прокуратура органлари давлатнинг муҳим институтларидан бири сифатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, адолатни тиклаш ва ижтимоий барқарорликни сақлаш каби вазифаларни бажаради. Конституциянинг 145-моддасида белгиланганидек, мустақил давлат органлари сифатида тан олиниб, ўз фаолиятини фақатгина қонунлар асосида амалга оширади.

Бу дегани, прокуратура ўз фаолиятини бошқарувчи органларнинг таъсиридан, хусусан, бошқа давлат органларининг аралашувидан мустақил равишда амалга оширади. Бошқача айтганда, прокуратура ҳеч қандай сиёсий ёки ижрочи ҳокимият органларига боғлиқ эмас, балки фақат Конституция ва қонунларга бўйсунади. Бу эса, адолатни таъминлашда ва ҳуқуқни ҳимоя қилишдаги самарадорликни оширади.

Очиғи, прокуратура органларининг фаолиятига сиёсий таъсирлар ёки бошқа қандайдир шахсий манфаатлар умуман аралашмаслиги керак. Бу муҳим жиҳат унинг мустақиллигини таъминлашга ёрдам беради ва фуқароларнинг прокуратура органларига бўлган ишончини оширади. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституциянинг 144-моддасига асосан прокуратура тизими марказлашган бўлиб, унинг фаолиятига Бош прокурор раҳбарлик қилади.

Бош прокурор прокуратура тизими фаолиятини бошқариш ва унинг мувофиқлигини таъминлаш учун масъулдир. Шунингдек, Бош прокурор ўз фаолиятини мустақил тарзда амалга оширади. У ўз фаолиятини фақат Конституция ва қонунларга асосланиб олиб боради ва Олий Мажлисга ҳисоб беради. Бу, прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш ва унинг самарали ишлашини кучайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, прокуратура органлари жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлашга ёрдам беради. Айниқса, давлат сиёсатининг қуйидаги муҳим йўналишларида иштирок этади:

Биринчидан, яхши бошқарувни таъминлаш, давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини кузатиб бориш ва давлат тизимида адолатни мустаҳкамлаш орқали ижтимоий тартибни сақлашга кўмаклашади.

Иккинчидан, фуқароларга ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, муаммоларни бартараф этиш орқали ижтимоий барқарорликка хизмат қилади.

Учинчидан, жиноятларни камайтириш, жиноятларнинг олдини олиш, жиловлаш ва қонуний муаммоларга ҳуқуқий ечимлар таклиф этиш орқали жамиятдаги хавфсизликни таъминлашда иштирок этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прокуратура давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш тизимининг ажралмас қисми сифатида жиноят ишлари бўйича назоратни амалга оширади. Бу эса, жамиятдаги жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш ва адолатни тиклашда муҳим роль ўйнайди.

Зеро, қонун ҳимояси – бу халқ ва Ватан ҳимояси каби муқаддасдир.

Умид ҚАЮМОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Гуруримиз тимсоли

18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинганига 33 йил тўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонларда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида мамлакатимиз тимсоли сифатида ҳилпираб туради.

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белгидир. Республикамиз давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз ифодасидир.

Светлана ОСИПОВА,
Таэквондо бўйича ёзги Олимпиада ўйинлари вице-чемпиони:

– Ҳар қандай спортчи учун Ватани байроғи остида мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи улкан шараф. Парижда ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида олимпия байроғи остида иштирок этаётган спортчи билан суҳбатлашиб қолдим. У: "Сен бахтлисан. Мамлакатинг байроғи энг юқорида туриши учун астойдил ҳаракат қиласан. Менда ҳам шундай имконият бўлганида эди...", дея кўзига ёш олганди. Ўшанда байроғимиздан фахрланиш ҳисси янада ошган эди.

Давлатимиз байроғи юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, эришаётган бемисл ютуқларимиз ва келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз рамзи сифатида асрлар оша мағрур ҳилпираверсин!

Танлов

Ҳуқуқ билимдонлари сараланди

Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида "Ёшлар ва қонун" ҳуқуқий танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Олий суд, Адлия, Ички ишлар, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур танловда ҳар бир ҳудуддан 2 та 14-18, 19-30 ёш тоифаси бўйича 8 нафар аъзолардан иборат жамоалар иштирок этди.

Жамоалар белгиланган "Суд мажлислар модели", "Ҳуқуқий пенальти", "Ёшларга оид қонунчилик – ёшлар нигоҳида" ва "Ҳуқуқингни англа" каби 4 та шарт бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди. Ҳар бир шарт бўйича улар ҳакамлар томонидан қўйилган балларни жамғариб борди.

Танлов якунига кўра, 14-18 ёш тоифасида биринчи ўринни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ал-Хоразмий номли маҳалланинг "Пойтахт ёшлари" жамоаси эгаллади. Иккинчи ўринни эса Хоразм вилояти Хива шаҳар "Калтаминор" маҳалласининг "Адолат" жамоаси қўлга киритди. Наманган вилояти Уйчи тумани "Соку" маҳалласининг "Фемида" жамоаси вакиллари учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Шунингдек, 19-30 ёш тоифасида эса биринчи ўринни Фарғона вилояти Олтиариқ туманининг "Зилха" маҳалласининг "Фемида" жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўринга Наманган вилояти Поп туманидаги "Чорток" маҳалласининг "Адолат посбонлари" жамоаси лойиқ топилди. Учинчи ўринни Бухоро вилояти Вобкент туманидаги "Шифокор" маҳалласининг "Фемида" жамоаси эгаллади.

Ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Сўраган эдингиз

– Ота-она фарзандини мактабга юборишни истамаса, қандай чора кўриш мумкин?

Шаҳноза КАРИМОВА,
Тошкент тумани

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан 25 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

– Болалар нафақасига ариза берган оила даромадини аниқлашда қайнота-қайнона ҳам киритиладими?

Мадина ЁҚУБОВА,
Ангрен шаҳри

– Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун оила таркибига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар, ёлғиз оналар (оталар) киритилади.

Соддароқ айтганда, болалар нафақаси тайинланиши учун даромад аниқланаётган вақтда оила таркибига ота-она ва болалар киритилади, холос. Қайнота-қайнона, бирга яшайдиган овсин хамда қайноға ва бошқалар даромад аниқланаётган вақтда оила таркибига киритилмайди.

Саволларга Тошкент тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Суҳроб РАҲМАТОВ жавоб берди.

"БОҒЧА ЛАБОРАТОРИЯ"СИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар болаларга қўпол муомалада бўлаётгани ҳолати акс этган видеоларни учратяпмиз. Бу ота-оналарда норозилик уйғотса, болаларда "боғчага бормайман", "боғча опам ёмон" каби хархашани кучайтиради.

Мактабгача таълим





Яхши тарбиячи, аввало, ўз касбини севиши, ҳар бир болага алоҳида ёндашиб, сабрли бўлиши керак. Ҳозирги замонавий таълим ходимдан изланишни, ўз устида ишлашни талаб этади.

"Боғча опа"лар, аввалambор, болаларнинг руҳияти, уларнинг ривожланиш хусусиятларини чуқур ўрганиб, таҳлил қила олиши ва асосийси меҳр бериши зарур.

Чирчиқ давлат педагогика университетининг Мактабгача таълим факультетида очилган эко ҳамда боғча лабораторияси ана шу масалаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

– Боғчага бола хоҳлаб, қувониб бориши, тарбиячини ўзининг энг яқин одами сифатида қабул қилиши керак, – дейди Мактабгача таълим факультети декани Қаҳрамон Ибодуллаев. – Маълумки, 3 ёшдан боланинг "мен"и шаклланади. Ўзи мустақил овқатланади, ҳаракатланади, унинг ҳаётида янги давр бошланади. Таҳлилларга кўра, болаларнинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етиши айнан шу даврга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги тарбиячи замон ва давр талаби билан ҳамнафас, ҳар бир янгиликни илғаб олиб, иш жараёнига татбиқ эта оладиган бўлиши зарур. 2019 йилда иш бошлаган факультетимиз ҳам мактабгача таълим ташкилотлари учун малакали кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мутасаддиларнинг айтишича, факультет қошидаги боғчада иш бошлаган "боғча лаборатория"си Марказий Осиёда ягона бўлиб, битирувчи ва магистр талабалар учун амалиёт майдони вазифасини ўтайди. Талабалар ўзлари тадқиқ этаётган мавзу бўйича ишлаб чиққан методикаларни таълим жараёнига татбиқ этиш билан биргаликда, боланинг қандай қабул қилиши, ундаги ўзгаришларни бевосита ўрганиб бориш имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун боғчада алоҳида хона ташкил этилган бўлиб, болалар ичкарини кўришмайди. Лекин талабалар болаларни чалғитмаган ҳолда уларни кузатишлари мумкин.

– "Болаларни атроф олам билан таништириш" мавзусида илмий иш ёзяпман, – дейди факультетнинг 2-курс магистранти Зуҳра Турсунбоева. – Илмий ишнинг назарий қисмини тугатдим. Энди навбат амалий жараёнларга. Болаларнинг атроф-муҳитга муносабати, уларни ташқи олам билан таништиришда нималарга аҳамият бериш зарурлиги юзасидан ишлаб чиққан методларимни амалда синаймиз. Бунда боланинг ёши, соғлиғи инобатга олинади. Натижалар "боғча лаборатория"сида кузатиб борилади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

"Кўчат экиб, боғ ярат", деган нақлга ОКМК корхоналарида қатъий амал қилинишини нафақат яшил макон доирасидаги саъй-ҳаракатларда, балки комбинат таркибидаги ишлаб чиқариш цехлари ҳудудларида бўш ётган жойларда ташкил этилган иссиқхоналарда ҳам кузатиш мумкин.

КОНЧИЛАРНИНГ ЛИМОНИ ПИШДИ

Хусусан, "Олмалиқметаллургқурилиш" трести да ташкил этилган иссиқхоналарда айни кунларда ғарқ пишган лимонларни кўриб, кўз қувнайди. Олимжон Султонов масъуллигида етиштирилаётган цитрус мева, асосан, трестдаги умумий овқатланиш ошхоналарига ва ҳомийликдаги мактаб, қариялар уйига етказиб берилади.



Айтиш жоизки, трестда мавжуд бўлган 18,4 сотих ер майдонидаги 2 та иссиқхонада 68 туп лимон кўчатидан бир мавсумда 2 тоннагача ҳосил олинади.

Маълумот учун: Мис эритиш заводи ва Саноат темир йўл транспорт бошқармаси каби таркибий бўлинмаларда ҳам иссиқхоналар ташкил этилиб, цитрус мевалар етиштирилмоқда. Темирйўлчилар томонидан ўтган йили ҳатто қирол банани меваси ҳам етиштирилиб, илк ҳосил олинган.

ОКМК Ахборот хизмати

ҚОРАХОН ОҒАНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Дейдиларки, Ҳақ таоло қалби пок, хоксор бандасига улуғ неъмат – узоқ умр ато этаркан. Қорахон Жўраев ўзининг хоксорлиги, дили поклиги ила Яратганнинг ана шундай иноятига сазовор бўлганлардан. Оғани шу кунларда 80 ёши билан қутлашмоқда.

Тўйхат ўрнида

Зилиҳа ая ва Жўра ота Жонсаидовларнинг ўртанча ўғли Қорахон Жўраевич 1968 йилда ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлагандан то 2005 йил – нафақага чиққунига қадар халқ таълими соҳасида фидокорона меҳнат қилди. У талабалик давридаёқ мактабда ишлашни бошлаган. У 1961 йилдан Ўрта Чирчиқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабида ёшлар етакчиси, сўнг математика фани ўқитувчиси сифатида ўқувчиларга таълим-тарбия берди.

Қ. Жўраев 1977 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди. Мазкур мактабга 12 йил, кейинчалик Ўрта Чирчиқ туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабига 17 йил раҳбарлик қилди. Унда касбига масъулият, раҳбарлик салоҳияти бор эди. Қорахон оғани бу масъулият пенсияга чиққанидан кейин ҳам тарк этмади.

У 2009-2014 йилларда Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ тумани Кенгаши депутати, жамоатчилик асосида Республика Байналминал марказининг туман ва вилоят бўлимларида масъул лавозимларда фаолият юритди. Оғанинг депутат, Миллий маданий марказ масъули, маҳалла оқсоқоли сифатида аҳоли фаровонлиги, тинчлиги, миллатлар ўртасидаги тотувлик, миллий қадриятларни эъзозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Қорахон оғанинг яна бир истеъдоди борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу – унинг ижодкорлиги. Қорахон Жўраев вилоятда кўзга кўринган "Машъал" ҳамда республика миқёсидаги "Нурлы жол" газеталарининг жамоатчи мухбири сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли жабҳалари, фидойи инсонлар, давр қаҳрамонлари ва касб жонкуярлари, айниқса, ёшлар тарбиясига оид туркум мақолалари билан эътибор қозонган.

Жамоатчи мухбир Қорахон Жўраев Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида икки бор: 2007 ва 2009 йилги совриндорлар сафидан жой олган.



Ҳозирги кунда Қорахон оға олти фарзанди, йигирмадан ортиқ набира ва ўн абиранинг ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Қорахон Жўраев сингари фидойи инсонлар жамиятимиз кўркидир. Ўз умрининг нурли манзилларига ифтихор ва шукроналик ила пешвоз чиқаётган бу мўътабар инсонга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат тилаймиз.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Кўзгудаги ўзимиз

Олмалиқ шаҳри бозори. Одам гавжум. Бекат яқинидаги хонтахтадек жойда ўзининг “кўчма дўкони”ни очган 15-16 ёшлардаги ўсмир ва ундан сал каттароқ қиз қандайдир моддий нарса устида оғзидан боди кириб, шоди чиқиб жанжаллашишяпти. Баъзилар тўхтаб, томоша қилиб туришибди. Айримлар бир қараб, ўтиб кетишяпти.

Иккисининг ҳам кўриниши бинойидек. Фақатгина қиз ўзи сотаётган сақичдан чайнаб, рақибига заҳрини сочаётган бўлса, бола сигарет тутатиб олган...

Уларни кўриб ҳақли саволлар туғилади: бунинг номи нима? Улар бунчалик бетгачопарликни қайдан ўрганди? Нега бунақа юзсиз ёшлар кўпайиб қолди? Булар оила, ота-она тарбиясини кўрганми ўзи?

Мақоламизни ёшларнинг эртанги кунини, камолотини белгилайдиган тарбия, одоб ҳақидаги фикрлар билан бошлаганимиз бежиз эмас. Бугунимиз ва ўтмишимизда юз берган ва бераётган қуйидаги тўрт воқеа билан танишсангиз, бунинг маънавий илдизлари ҳақида ўзингиз хулоса чиқарасиз...

Ҳар ким ЎЗ ЮРТИДА БЕКДИР...



1-воқеа.

“ОТА-ОНАМНИ ҲАМ ҚАМАНГ, СУДЬЯ!”

Бу воқеа Пискент тумани ва Олмалиқ шаҳри оралиғидаги қишлоқлардан бирида бўлган эди.

... Рўзивой таксичи қизчани тез-тез манзилига олиб бориб қўяр, гоҳо вақтига қараб шаҳар айлантирарди. Олмалиқ коллежларидан бирида ўқийдиган талаба қиз ҳам унга кўникиб борар эди. Йигит ўз таъбирича, шундай “қушча”ни қўлга ўргатаётганидан, қиз эса хизматида бир алпқомат паҳлавон пайдо бўлганидан шод эдилар.

Кунларнинг бирида улар табиат қўйнида дам олишга чиқмоқчи бўлишди. Шаҳарнинг шовқин-суронидан ҳоли жойда ҳордиқ чиқариш, шарқираб оқаётган тиниқ сувларда чўмилиш кимга завқ бермайди, дейсиз!..

Соҳилга чиқишгач, Рўзивой қизнинг қалтираётганини кўриб, меҳрибонлик билан елкасига костюмини ташлаб сўради:

– Диля, сув сенга бироз совуқлик қилдими? Ҳечқиси йўқ, бунинг “давоси” бор.

Рўзивой тамадди олдидан унга зўрлаб бир пиёла шампань виноси ичирди. Аввallари умуман спиртли ичимликни тотиб кўрмаган ўн олти яшар қиз иккинчи пиёладан сўнг лоҳас бўлиб, боши айлана бошлади.

– Рўзивой ака, илтимос, кетайлик, мазам бўлмаяпти...

– Озгина ўтирайлик, яхши бўлиб қоласан. Барибир ўзим олиб бориб қўяман-ку!

Қиз ноилож кута бошлади. Бир муддат ўтгач, Диля яна кетишга қистайвергач, йигитнинг жаҳли чиқди:

– Менга қара, шу аҳволда уйингга қайтмоқчимисан? Қўни-қўшниларнинг кўзи тушса, ким деган одам бўласан? Овқатлардан еб, мана бундан яна битта ич-да, сал ўзингга келиб ол...

Диля шампань таъсирида маст бўлиб қолганидан кейин Рўзивой уни панароқ жойга олиб ўтганини элас-элас эслайди...

Қизнинг кайфи тарқаб ўзига келганида нима иш қилиб қўйганини билиб, карахт бўлиб қолди. Сўнг бу ҳирс бандасининг ёнида қолиш унга яна кўп кўнгилсизликлар келтиришини ҳис қилдими, шартта ўрнидан турди-да, кийиниб, бу ердан қочишга шайланди. Аммо ёнида донг қотиб ётган филдек кимсанинг остидан ўз кийимларини тортиб олишни уддалай олмади. Уйғотишга эса юраги бетламади. Ниҳоят Рўзивойнинг футболкасини кийди-ю, йўлга тушди. У сув бўйлаб ортга қайтар экан, кўзёшларини тўхтата олмасди. Ҳа, у ҳозирча танасини ёпишга имкон топган эди. Лекин энди умрининг баҳори сўнганини, шарманда бўлганини қандай беркитади?

Диляга дастлаб дуч келган кимсалар – шу атрофда мол боқиб юрган балоғат ёшига етмаган ўсмирлар эди. Қиз йиғлаганча қўрқа-писа уларга ялинди:

– Болалар, илтимос, битта машина тўхтатиб беринглар. Мени ёмон одамлар тунаб кетишди. Кийимларимниям, пулларимниям олишди. Илтимос, ёрдам беринглар!

– Майли-майли, яхши қиз, сенга ёрдам берамиз, – деди йигитлар ичида ёши сал каттароғи. – Фақат олдин бизга айт-чи, шаҳарнинг қаерида яшайсан?

Диля манзилни тушунтирди.

– Яхши, – деди йигитча. – Ҳозир шерикларимдан бирини такси топиб келгани жўнатаман. Унгача сен мен билан жингилзор орқасига ўтиб турасан. Чунки бу ердан ўтган-кетганлар сени бунақа кийимда кўришса, ноқулай бўлади, синглим...

У шундай деб Диляни катта йўлдан пастга бошлади-да, ёнидаги ўсмирга кўзини қисиб, истеҳзоли жилмайди.

...Йигитларнинг бу “олижаноблиги” навбатдаги “саҳна” эканлиги, “ўғри”дан қочиб, “қароқчи”га тутилгани қизнинг хаёлига ҳам келмаган эди...

Орадан кўп ўтмай, бу зўравонлар устидан суд ҳукми ўқилди. Улар жинғилзордаги “олижанобликлари” “роҳатини” темир панжара ортида кўрадиган бўлишди.

Оилада қиз фарзанд туғилса, давлатманд бўласиз, деган гап бор халқимизда. Шу боис қиз боланинг тарбияси алоҳида ёндашувни тақозо этади. Азал-азалдан ўзбекнинг хонадонида “Қиз бола – бировнинг хасми” деган нақлга амал қилган ҳолда ота-она фарзандини кўз қорачиғидек авайлайди.

Мухбир изоҳи:

Пискент тумани газетасида ишлаб юрган йилларим юқоридаги воқеа асосида суд залидан мақола ёзган эдим. Номуси таққирланган қиз судда йиғлаб туриб шундай деган эди:

– Судья амаки, илтимос, мана шу номардларга қўшиб ота-онамниям қаманг! Чунки отам неча йилдан бери бошқа хотин билан яшайди. Онам эса мен билан укамни зор йиғлатиб, чет элга ишлагани кетган...

2-воқеа.

ЭРКАК ҒУРУРИ

Мақолани тайёрлаш жараёнида ўзга юртлардан қайтиб келган аёллар билан суҳбатлашдик. Улар исм-шарифларини газетада чиқишини исташмаса-да, лекин мулоҳазаларини яширишмади. Биринчи суҳбатдошимиз шундай ҳикоя қилади:

– Оилалиман, икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим оила боқишга уқувсизроқ бўлгани учун фарзандларимни унга қолдириб, икки дугонам билан Россияга ишлагани кетдик.

– Кечирасиз-у, эрингиз бунга қандай рози бўлди?

– Топиш-тутишининг тайини бўлмаганидан кейин бошқа нимаям қила оларди.

– Ҳар ҳолда бошқа давлат, ҳар хил одам учрайди...

Маҳалла фаоллари билан бекаси хорижга ишга кетган хонадон эшигини тақиллатдик. Ҳартугул уй эгаси баъзи дангаса эркаклар каби четдан келадиган пулларни “ҳазм қилиб”, думалаб ётадиганлардан эмас экан. У хотини чет элдан юборган кийим-кечакларни сотиш билан шуғулланаркан.

– Турмуш ўртоғингизни хорижга юборган экансиз. Рашк қилмайсизми?

Суҳбатни уй соҳибига ёқмайдиган савол билан бошладик, ҳозир жаҳли чиқиб кетса керак деб ўйлагандим, у эса пинагини ҳам бузмади.

– Менга қаранглар, агар мол олмоқчи бўлсанглар, марҳамат, – деди у бамайлихотир. – Лекин хотиним ҳақида бирор гап топиб келган бўлсангиз, айтиб қўяй, барибир ишонмайман. Биз эр-хотин келишиб олганмиз. Ортиқча “деди-деди”ларга тоқатим йўқ. Шу хотиннинг орқасидан, мана, ёмон яшамаяпмиз. Бу ёғи бозор иқтисоди. Давлат берган ойлик нимагаям етарди?

Буни қарангки, бир-бирини танимайдиган икки суҳбатдошимиз ҳам бир хил фикрлар экан. Уларнинг назарида, тирикчилик дегани қандай йўл билан бўлмасин пул топиш, машина, иморат ва яна аллambалолар...

Майли, бу масалаларда хулоса қилиш ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Биз узоқ юртларда тирикчилик дардида ишлаб юрган аёлларимиз ҳақида ёмон фикрда эмасмиз. Улар орасида ноиложликдан кетганлари, ҳалол, ўз уй-жойи, рўзғори, турмуш ўртоғига вафодорлари кўп. Лекин, аёлнинг ўрни, энг аввало, оилада, фарзандлари ёнида эмасми?

Мулоҳаза учун маълумот:

Президентимиз Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ривожининг ҳозирги ҳолати ва келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий натижаларни атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди. Сўнгги етти йилда Тошкент вилояти иқтисодиёти 1,5 баробарга ўсиб, ўтган йили 119 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилди, тадбиркорлар 16 мингтага кўпайиб, 170 мингта доимий иш ўрни очилди. 6 миллиард долларлик 826 та янги саноат корхонаси ишга тушди, 5 миллиард долларлик экспорт қилинди. Бунинг натижасида ўтган тўрт йилда 70 минг, жорий йилда 19 минг оила камбағалликдан чиқарилди.

3-воқеа.

ДАЛАДАГИ СУҲБАТ

Физика-математика фанлари номзоди, доцент Атҳам ака Маматқулов мен билан бир маҳаллада яшаган. Раҳматли олим билан даламиз ҳам ёнма-ён эди. Бир куни отамдан қолган боғда ишлаб юрсам, сўраб қолди:

– Ҳа, ука, ишга бормаяпсанми? Кузатаман, бир ҳафтадан бери боғдан чиқмайсан?

– Ишдан бўшадим, домла, – дедим. – Бир дунё кезиб келмоқчиман. Очиғи, бу ердаги ойлик маош билан қийналиб қоляпмиз.

– Об-бо, сен-ей, шунақа дегин, – у ғарқ пишган узумларга қараб турди-да, давом этди. – Отангдан қолган жаннати боғлардан кўнглинг тўлмай яна жаннат излаб кетмоқчимисан?

Нима дейишни билмай, бошимни қуйи эгдим.

– Қани, чойингдан қуй-чи, мен сенга бундан 100 йил аввал Пискентда бўлган қўзғолон ҳақида айтиб берай...

* * *

Николай подшонинг мардикор олиш ҳақидаги буйруғи Тошкент отчопари орқали Пискентга ҳам етказилган. Музаффар мингбоши эса бу хабарни ҳозирча ҳеч кимга билдирмай, сир тутмоқда эди.

Пискент музофотидан икки юз одамни ажратиб, мамлакатнинг узоқ ўлкаларига жўнатиш осон иш эмаслигига кўзи етган мингбоши қўл остидагиларини чақириб, кенгаш ўтказмоқда. Икки юз одам, яна улар 20-25 ёшдан ошмаган қирчиллама йигитлар бўлиши лозим.

Хонада ҳамон жимжитлик, ўтирганлар мингбошининг нохушлигидан қандайдир “сир” борлигини пайқаб, ундан садо чиқишини кутиб, сукут сақлашарди. Ниҳоят мингбоши йиғилганларга юзланди:

– Тақсирлар, муҳтарам жаноблар! Давлатимиз қудрати, юртимиз посбони оқ подшомиз амри билан сизларга шуни билдирмоқчиман. Рус ерининг чеккаларида ишлаш учун Пискент музофотидан 200 одам юборишимиз лозим. Улар борган жойларида 2-3 йил оддий ишчи сифатида меҳнат қилиб, ўша ерда истиқомат қиладилар. Оқ подшомиз бизга ишонч билдириб, одам сўраган эканлар, биз уни ўз ўрнига қўйиб, бажо келтирмоғимиз лозим.

– Оқ подшомизнинг буйруғи – биз учун вожиб! – Мингбошининг сўзини кесиб, қистириб қўйди сўйлоқ тишли Холжон қози.

– Шундай, тақсирлар, – сўзида давом этди мингбоши. – Икки юз кишини Пискент музофотининг тўрт даҳасига бўлиб чиқдик. Бекобод, Майлобод, Ярмарка даҳаларига 55 нафардан, Гузарча, Ҳовузкалон, Гўлах ва Болапушта маҳаллаларига 35 нафардан одам тақсимланди. Олдин маҳаллалардаги 20-25 ёшлардаги йигитлар рўйхатга олинсин, сўнгра улар ичидан Русияга юбориладиганлар танлансин. Албатта, буйруқ ялангоёқлар ҳисобидан бажарилиши лозим. Уч кун муҳлат. Шу вақтда борувчилар кўрпа-ёстиғи, кийим-кечаги ва ўн беш кунлик озиқ-овқати билан тайёр бўлмоғи лозим.

Музаффар мингбоши ўз сўзини тамомлар экан, яна қўшиб қўйди:

– Бу ишда қаршилик кўрсатганларга раҳм-шафқат қилинмасин. Тан жазоси берилсин, калтаклансин ва тезда ҳибсга олиниб, Сибирь қилинсин!

Юзбошилар ўша куниёқ маҳаллалардаги навқирон йигитларни рўйхатга ола бошлашди. Рўйхатга бирорта ҳам бойлар ва оқсуякларнинг болалари киритилмади.

Оломон ичидан хотинларнинг қичқириб йиғлашлари, оқ подшони қарғашлари баралла эшитиларди. Бировлар: “Уйинг куйгур, Николай пошшо, болаларимизни бермаймиз”, – деб қичқирса, бошқалар “Оқ пошшо бўлмай, гўрингда тўнғиз қўпгур!” деб қарғашарди.

Подшонинг ишчи олиш тўғрисидаги хабарини биринчи бўлиб Жаббор полвон Исмоил ўғли ва Каримдот Худойдот ўғли эшитди. Улар вақтни ўтказмай, тезда Гузарчага етиб келишди. Жаббор полвон чойхонага биринчи бўлиб кирди ва ўтирганларга шундай деди:

– Йўқсиллар, ялангоёқ камбағаллар! Шўринг қурийдиган бўлди. Ўғилларингни оқ подшо йўлига назр қиладиган бўлдинг!

Чойхонада ўтирганларнинг бу нохуш хабардан ҳушлари учди. Шовқин-сурондан тезда гузарча одамга тўлди. Ғазабланган юздан ортиқ исёнчи Каримдот Худойдот ўғли ва Жаббор полвон Исмоил ўғли бошчилигида мингбоши маҳкамаси томон йўл олди. Шу пайт маҳкама эшиги олдида мингбошининг югурдаги Рисқи пучуқ пайдо бўлиб, оломонга қичқириб, хитоб қилди:

– Жаноб Музаффархон мингбоши буйруқни бекор қилдилар, бугундан бошлаб Пискент музофотидан мардикор олинмайди.

Оломон ичидан отилиб чиққан Бекобод маҳаллалик Йўлдош халққа мурожаат қилиб шундай деди:

– Ҳой, шўри қуриган оломон! Муттаҳам мингбоши бизни лақиллатяпти.

Яна ғала-ғовур бошланиб кетди. Фурсатдан фойдаланган Рисқи пучуқ югуриб мингбоши олдига кирди-да, усти бахмал жилд билан қопланган катта китоб олиб чиқди.

– Мана бу Қуръон, бунга ишонасизларми? – деб кўкрагига китоб билан бир урди. – Такрор айтаман, мингбошимиз ваъда қилдилар – Пискентдан мардикор олинмас экан!

Амалдорлар диний эътиқодга берилган одамларни ана шу йўл билан алдаган экан. Орадан бир неча кун ўтиб, Пискентга қуролланган жазо отрядлари етиб келади. Улар қўзғолон ташкилотчиларини уйма-уй териб олиб, чигит омбори ертўласига қамайдилар. Исёнчиларга бир неча кун овқат берилмай, казак солдатлари томонидан саваланади. Номард Музаффар мингбоши шундай ҳийла билан Пискентдан подшо учун мардикор йиғишга муваффақ бўлади...

... Домла ҳикояни тугатар экан, хўрсиниб қўйди:

– Ота-буваларимиз ана шундай мард ва ғурурли бўлишган, укажон. Пул топаман деб гўдагини йиғлатиб қўймаган.

Мулоҳаза учун маълумот.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 63 мингта камбағал оила бўлиб, уларнинг 190 минг нафар аъзолари меҳнатга лаёқатли. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилган.

4-воқеа.

ЎЗГА ЭЛДА ШОҲ БЎЛГУНЧА...

...Ўз юртингда гадо бўл, деган мақол бор халқимизда. Аммо, минг афсуски, хорижга кетиб, энг қора ишларни бажаришга мажбур бўлаётган айрим ҳамюртларимиз ҳақида эшитганимизда уларга ачинамиз.

Яқинда “YouTube”да Туркияда ишлаб юрган юртдошимиз берган интервьюни эшитиб ҳайрон қолдик.

“Мен етти йилдан буён Туркияда, буёқ ишлаб чиқариш заводида ишлайман. Заводга оддий ишчи бўлиб жойлашган эдим. Ўшанда 200 доллар маош олардим. Ҳозир эса мастерликка кўтарилдим. Маошим 400 долларга етди. Аммо уйга унча кўп пул юборолмайман. Чунки бу ерда ўзимнинг ҳам харажатларим бор”, деди.

Мухбир: “Туркиядаги юртдош аёлларимизни танийсизми, улар қанчадан маош олишади?” деб сўраганида, “Бу ерда аёллар асосан кексаларни парваришлаш ишларига ёлланишади. Уларга 400-500 доллардан ортиқ ҳақ тўлашмайди. Албатта, уларнинг ҳам ўз харажатлари бор. Ундан орттириб, уйларига пул юбора олишмаса керак”, дея жавоб берди.

...Пискентдаги “Беларусь” қўшма корхонаси текстиль материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бошланишига маоши 2 миллион сўм, кейинчалик меҳнатингизга қараб 4-5 миллион сўмгача ошириб борилади. Корхона ишчилари бепул тушлик билан таъминланишини эътиборга оладиган бўлсак, маҳаллий хотин-қизлар учун яхши имконият эмасми?

Мулоҳаза учун маълумот:

Юртбошимиз иштирокидаги йиғилишда кейинги пайтларда Тошкент вилоятидан хорижга арзон ишларга кетувчилар 30 мингга камайгани, лекин ҳали 158 минг фуқаро чет элда меҳнат қилаётгани қайд этилди. Энди Миграция агентлиги фаолияти такомиллаштирилиб, аҳолини хавфсиз ва юқори даромадли иш билан таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилади. Чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагида бўлганларга юқори даромадли касблар ўргатилади. Касб-ҳунари борлар хорижий тилларга ўқитилади.

Бу маълумотларни бекорга келтирмадик. Демак, меҳнат муҳожирлари манфаатлари учун қайғурилмоқда, бу ҳозирги сиёсатнинг муҳим бир йўналишига айланди. Фақат биз ўз киндик қонимиз томган тупроқнинг қадрига етиб, олға интилсак, фарзандларимиз эса вақтинчалик қийинчиликларни деб ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларида йўлдан адашмасалар – шудир масала!

Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

Паркент: ҲАЙРАТ ВА ҳавас манзили





МУАММОЛАР... КАБИНЕТДАН КЎРИНМАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда 63 мингта камбағал оила бўлиб, уларнинг 190 минг нафар аъзолари меҳнатга лаёқатли экани, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилгани қайд этилди. Мазкур рақамлар кабинетдан пастга тушиб ишлаш нақадар муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Туманимиздаги 62 та маҳаллада 47 минг оила, 180 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда ижтимоий реестрга 4 минг 761 та оила киритилган. “Маҳалла еттилиги” билан ўтказилган хатловда 516 та оила ижтимоий реестрга нотўғри киритилгани – 140 та камбағал оила қолиб кетгани маълум бўлди. 743 та оилани камбағалликдан чиқариш бўйича 86 та раҳбарга, жумладан, 4 та сектор раҳбарига 10 тадан оила бириктирилди.

Ўрганишлар жараёнида бир ҳаётий ҳақиқат, раҳбарга зарур бўлган жиҳатни янада чуқурроқ тушундик. Ҳа, бугун фақат кабинетда ўтириб ишлаш орқали одамларнинг оғирини енгил қилиб бўлмас экан. Камбағалликни қисқартириш учун хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг дардини яқиндан ўрганиб, ёрдам қилиш керак экан.

Аввалига ҳақиқатан муҳтож 72 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди, 44 нафари ишга жойлаштирилди, 17 оиланинг фарзанди мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилиб, олийгоҳларда таҳсил олаётган 23 та оила фарзандлари шартнома пулининг бир қисми тўлаб берилди.

Жорий йил бошида туманда камбағаллик даражаси 16,5 фоизни (7 минг 743 та оила) ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 3 минг 684 та оила камбағалликдан чиқарилиб, мазкур кўрсаткич 8,6 фоизга (4 минг 59 тага) туширилди. Режага кўра, туманда камбағаллик даражаси йил охирига бориб 6,1 фоизга, 2025 йил якунига қадар эса 2,5 фоизга қисқартирилади.

БАХТНИНГ МАКОНИ – ВАТАНДА!

Ҳаётда муаммосиз инсоннинг ўзи йўқ. Кимдир бошига тушган ташвишни ирода ва сабр билан енгиб ўтса, бошқа биров бунга куч топа олмайди. Бироқ, яхши яшаш орзусида ягона йўл бўлиб кўринган хориждан иш излаш кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Айни пайтда туманда 7 минг 26 нафар фуқаро миграцияда бўлиб, шундан 4 минг 66 нафари эркак, 2 минг 440 нафари аёллар. Улардан 4 минг 681 нафари ишлашга, 2 минг 28 нафари ўқишга, 2 минг 116 нафари эса бошқа сабабларга кўра жўнаб кетишган. Мигрантларнинг асосий қисми Россия ва Қозоғистон давлатларида.

Хориждаги тумандошларимиз билан деярли ҳар куни “ZOOM” платформаси орқали мулоқот қилиб боряпмиз. Уларнинг хонадонларига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлашиб, шарт-шароитларини ўрганяпмиз. Жараёнда ишлашга кетганларнинг 305 нафари ойига 500 АҚШ долларидан кам даромад топаётгани маълум бўлди. Уларни йил якунига қадар уйларига қайтариш чорасини кўряпмиз. Жорий йил бошидан буён хорижга иш излаб кетган 641 нафар фуқарони ортга қайтаришга эришдик.

ФАРОВОНЛИК САРМОЯЛАРИ

Туманда ҳудудлар қиёфасини ўзгартириш мақсадида турли ижтимоий объектларни қуриш, аҳолига янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, Самсарак ҳудудида “Villayat Samsarak: CREATIVE ECO IT VILLAGE” лойиҳаси асосида “IT шаҳарча” қурилиши бошланди. “Паркентсой” бўйида катта йўл барпо этилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда очилган “Limaomoali Metall Company” қўшма корхонаси томонидан Кумушкон ҳудудидаги темир конида туннель қурилмоқда. Мазкур конда йилига 2,4 миллион тонна хом руда ва 1 миллион тонна концентрат қазиб олинади. Мазкур кон тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 400 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, туманда замон талаблари даражасидаги 3 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. 29-мактаб биноси мукаммал таъмирланди, 31- ва 55-мактаблар капитал таъмирланиб, қўшимча янги бино қурилди, “Чинорбулоқ” маҳалласидаги кўприк янгиланди.

Аммо олдинда амалга ошириладиган режалар кўп. Жумладан:

– келгуси 5 йилда ичимлик суви таъминотини яхшилашга 54,3 млрд. сўм сарфланади. Ҳозирда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 71 фоизни ташкил этади. Ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш харажатларига вазирлик маблағларидан 17,9 млрд. сўм йўналтирилади. Мазкур ишларнинг амалга ошиши натижасида ичимлик суви таъминоти 2024 йил якуни билан 73,5 фоизга, 2026 йилда эса 76,9 фоизга етказилади;

– электр таъминотини яхшилаш учун бюджетдан 35,2 млрд. сўм ажратилади;

– газ таъминотини яхшилаш ва тежамкор технологияларни қўллаш учун 15,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилади;

– йўл инфратузилмасини яхшилаш учун 83,2 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Туманда йўллар носозлиги масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ҳозирда ҳудуддаги 39,2 км. маҳаллий, 162 км. ички йўлларимиз таъмирталаб бўлса, 4 та кўприк ночор аҳволда. Шу боис 2025-2026 йилларда ички йўлларни таъмирлаш харажатларига 57,2 млрд. сўм, кўпикларни таъмирлашга 26 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган;

– мактаб ёшидаги болаларни таълимга қамраб олиш кўрсаткичи оширилади. Ҳозирда туманда йилига ўртача 1,2 минг нафар ўқувчи кўпайиб бормоқда. Бу бир йилда биз шунча ўқувчи ўрни яратишимиз лозим, дегани. Мазкур талабдан келиб чиқиб, келгусида 4 та мактаб янгидан қурилиб, 5 та мактаб реконструкция қилинади, 2 та мактаб мукаммал таъмирланади. Бу харажатларга 171,3 млрд. сўм маблағ ажратилади. Натижада, 2026 йил сўнгига қадар 1 минг 380 та ўқувчи ўрни яратишга эришамиз;

– 2025-2026 йилларда тиббиёт соҳасига 110 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Шундан 8 млрд. сўми шифохоналарни таъмирлашга, 1 млрд. сўми жиҳозлашга йўналтирилади. Туманимизнинг чекка ҳудудидаги “Шампань” ва “Санганак” оилавий шифокорлик пунктлари қайта реконструкция қилинади.

САЙЁҲЛАР УЧУН "ТАШРИФ ҚОҒОЗИ"

Маълумки, туманимиз туризм соҳасида республиканинг энг олди ҳудудларидан саналади. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2 йилдан буён “Узум сайли” ва Халқаро виночилик фестивали юқори савияда ўтказилаётгани туманнинг туризм салоҳияти хориж давлатларида янада кенг оммалашиб, сайёҳлар оқими кўпайишига хизмат қилмоқда. Бундан фахрланамиз, албатта.

Бироқ, ҳалигача туризм соҳасидаги мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланяпмиз, деб айта олмаймиз. Шу сабабли қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, “Parkent Green” туристик-рекреацион зонаси ва унинг бошқарув компанияси туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Parkent Green” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш ва бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси шаклида ташкил этилади ҳамда туристик зона ҳудудида кўнгилочар тадбирларни ўтказиш имконини берувчи “Фестиваль сити” мажмуаси қурилади.

“Бўстон” массивида эса 280 гектар ер майдонида умумий қиймати 35 млн. доллар бўлган “Экстремал спорт ўйинлари” ўтказишга ихтисослашган кўнгилочар мажмуа барпо этиш белгиланган. Шунингдек, “Паркентсой”нинг бошланғич қисмида “Сув омбори” ташкил этиш ҳамда 21 км. қисмида сой ўзанларини мустаҳкамлаш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилади. Сойнинг қирғоқлари бўйлаб мустаҳкамланган қисмида муҳофаза зонасини 20 метргача қисқартириш ҳисобидан қўшимча 100 гектар бўлган ер майдонида туризм объектлари барпо этилади.

Бундан ташқари, туманда узумчилик боғларини ташкил қилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларида виночилик уйлари, болалар эндокринология маркази ҳамда Кумушкон ҳудудидаги “Олтинбел” чўққисида эса тоғ-чанғи курорт зонаси қуриш ҳам режалаштирилган.

Мазкур бунёдкорликлар доирасида 15 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 2024-2026 йиллар давомида жами 10 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Туманда жорий йилнинг 6 ойида полиз экинлари, ҳўл мева, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш режаси ортиғи билан бажарилди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 810,8 млрд. сўмга етиб, бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан 109,5 фоизга ўсганини кўрсатади. Йўналишлар кесимида озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати 22,6 фоизга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 1,6 фоизга, енгил саноат йўналиши 21,1 фоизга ўсди.

Айни кунга қадар туманда инвестиция лойиҳалари ишга тушиши натижасида кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилди. Мисол учун, “Shabnam Elegant” МЧЖнинг қиймати 3 млн. долларлик лойиҳаси ортидан 250 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланган. “Hilal Tekstil” МЧЖда меҳнат қилаётган 500 нафарга яқин хотин-қизлар томонидан тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар эса 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда.

ЁШЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРИМИЗДА

Жорий йилда олиб борилган ўрганишлар натижасида қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган 850 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилди. Улардан 653 нафарининг бандлиги таъминланди, 20 нафарига кредит маблағлари ажратилиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун имконият яратилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож 163 нафар талабанинг тўлов шартнома пуллари қоплаб берилди.

Бундан ташқари, 333 нафар ёшга 10 йиллик ижараси сақланган ҳолда фойдаланиш учун ер ажратилди. 415 нафар ёш тадбиркорликка, 380 нафари эса касб-ҳунарга ўқитилиб, сертификатлар берилди.

Жорий йил туманда 3 минг 105 гектар ер майдонини ўзлаштириш белгиланган бўлиб, бугунги кунда 40 та фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 3 минг 110 гектар яйлов ҳамда лалми ер майдонлари ўзлаштирилиб, экспортбоп экинлар етиштиришга эришилди.

Ёшлар учун туман спорт мактаби фаолияти янада жонлантирилди. Айни вақтда йигит-қизлар спортнинг 22 тури билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бундай эътибор натижасида спортнинг турли йўналишларида жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиб ҳамда совриндор бўлган ёшлар 20 нафарга етди.

МАҚСАДЛАР САРИ

Инсон борки, фаровон ҳаётга интилиб яшайди. Фаровонлик эса муносиб иш ўрни ва етарли даромадга эга бўлишдан бошланади.

Туманимизда ҳам ҳали ишсизлик тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Айни пайтда ишсизлар сони 4 минг 346 нафар (6,2 фоиз)ни ташкил қилмоқда. Йил якунига қадар мазкур кўрсаткични 2 фоизга (1 минг 448 нафар) тушириш имконияти мавжуд. Ҳозирда барча саъй-ҳаракатларимиз шунга қаратилган.

Хусусан, “Уйчи” тажрибаси асосида банклар томонидан 2 минг 985 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. “Зарбдор” тажрибаси асосида лойиҳа қиймати 83,8 млрд. сўмлик 13 та “драйвер” лойиҳа ҳисобига 998 та иш ўрни, “Ғиждувон” тажрибаси асосида эса 7 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ишга туширилиши ҳисобига 1 минг 178 та иш ўрни яратилади. Шунингдек, инвестиция ва қурилиш соҳасида 1 минг 680 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ҳар бир раҳбарнинг фаолият мезони – бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат”. Бу шарафли вазифани чуқур англаган ҳолда туманимиз аҳолисининг янада фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга бор билим ва тажрибамизни йўналтирамиз.

Сардор ИСОҚУЛОВ,
Паркент тумани ҳокими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шанба сабоқлари

НАСИБА

Бир гуруҳ танишлар билан Намангандан Тошкентга самолётда учаётган эдик. Пойтахтда юмушларимиз кўплигидан вақтни тежаш учун тамадди қилиб олмоқчи бўлиб, аэропортдаги емакхонага кирдик.

Дастурхон устида бир шеригимизнинг томоғига нон увоғи тиқилиб қолди шекилли, кетма-кет ўқчиб, йўтал тутди. Устидан нон еди, чой хам ичирдик, фойдаси бўлмади. Томоғи қичиб, безовталаниб, ҳатто кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Тошкентга етиб келдик.

Самолёт зинасидан тушаётганимизда бояги шеригимиз кетма-кет акса уриб юборди. Шунда уч юз чақирим нарида тиқилиб қолган увоқ оғзидан бир неча қадам нарига отилиб кетди.

Шу пайт аллақаердан бир чумчуқ пириллаб учиб келди-да, ерга тушган увоқни илиб кетди.

Шеригимиз таажжубини яшира олмай: «Шу чумчуқнинг ризқи экан-да, юта олмай нақ Намангандан томоғимда кўтариб келибман-а», деб юборди.

ЙЎЛОВЧИ

Ойнинг ибрати

Кунлардан бир кун телеминора ва ой учрашиб қолишибди.

– Мен сендан баландман, – дебди телеминора.

– Ия, сен қанақасига баланд бўласан, мен ахир осмондаман-ку, – дебди Ой.

Улар тортишиб қолишипти.

Шу пайт олдиларидан фотограф йигит ўтиб қолибди.

– Ҳой сураткаш, ким баландроқ, қани бир расмга олчи, – дея буюрибди виқор билан телеминора.

Сураткаш расмга олиб, телеграмм орқали уларга ташлаб берибди.

Дарҳақиқат, суратда телеминора баландроқ кўринибди.

– Кўрдингми, мен баландроқман, – мақтанибди Ойга телеминора кўкрак кериб.

... Шундан бери Ой ҳеч ким билан тортишмас экан. Шунчаки юқоридан пастга қараб, кулиб қўяркан.

Ўзингиздан пастлар билан сира тортишманг. Фойдаси йўқ.

Фото: Шерзод ШУҲРАТОВ



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Zikrilla MAMATOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 21:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6